Стратегик ... КУТУБХОНАСИ ... тадқиқотлар институти

2007 ЙИЛ, 21 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 231 (11.040) Баҳоси эркин нархда

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида у-шу спорт секцияси ташаббуси билан Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб у-шу, таэквондо бўйича уюштирилган спорт мусобақаларида «Машинасозлар», Усмон Юсупов маҳаллаларида яшовчи 8-12 ёшли ўсмирлар ўзаро беллашди.

●**БУГУН** Республика Байналмилал маданият марказида уюштирилган Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар Миллий уюшмасининг тақдимот маросими доирасида уюшма аъзолари томонидан тайёрланган миллий ҳунармандчилик буюмларининг савдо-кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

●**2-РЕСПУБЛИКА** тиббиёт коллежида Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Байроғимиз — фахримиз, ғуруримиз» деб номланди.

●**ЯККАСАРОЙ** туманидаги 144- мактабда бунёдкорлар томонидан замонавий услубда бунёд этилган спорт зали фойдаланишга топширилди.

●**БУГУН** шаҳримиздаги МҲСК стадионида футбол бўйича Ўзбекистон — Эстония терма жамоалари ўртасида ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтади.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ЙИРИК КОРХОНАЛАРДАН САНАЛГАН «ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ҲАМ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТИШ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА САМАРА БЕРА БОШЛАДИ.**



*Иқтисодиёт*

## ҚУЛАЙ ВА УНУМЛИ ТРАКТОРЛАР

Бу, албатта корхонада изланишлар туфайли ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулот турларида намоён бўлиб, ушбу техника воситалари мамлакатимиздаги деҳқон ва фермер хўжаликларида кенг қўлланилмоқда. Уларнинг самараси эса етиштирилаётган мўл ҳосилда аксини топмоқда.

Корхонада бугунги деҳқон меҳнатига мўлжалланган трактор ва трактор тиркамалари, техника воситалари учун бутловчи қисмлар ҳамда турли хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Уч мингдан зиёд ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган ва малакаларини намоён этаётган корхона маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз харидорларини топган. Жорий йилда мингдан зиёд тракторлар учун тиркамалар Туркманистон давлатига буюртма асосида тайёрлаб берилди. Шунингдек, Россия, Украина, Қозоғистон ва Тожикистон мамлакатларига ҳам шартномаларга кўра корхона маҳсулотлари етказиб берилди. Четдан харидорларни жалб этишда эса саъй-ҳаракатлар боис ташкил этилган корхона савдо уйларининг салмоқли ҳиссасини таъкидлаш мумкин. Ҳозирда Россия федерацияси, Озарбойжон ва Қозоғистон давлатларида ана шундай савдо уйлари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Акциядорлик жамияти бир неча йиллар давомида фаолиятларини йўлга қўйган ва рақобатбардош маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилаётган бешта шўъба ва учта қўшма корхоналарнинг таъсисчиси ҳисобланади. Корхона ўз маҳсулотлари, яъни трактор ва трактор тиркамаларини ўз бозоримизда «Ўзқишлоқхўжаликмаш» компанияси орқали лизинг бўйича сотади ва бу харидорларга анча қулай ва афзалдир.

Корхонада кейинги йилларда тайёрланган 60 ҳамда 80 от кучига эга бўлган уч ҳамда тўрт ғилдиракли тракторлар ишлаши, ҳайдовчиларга қулайликлари билан муваффақият қозонди. Эндиликда эса изланишларни давом эттираётган тракторсозлар янги турдаги техникалар ишлаб чиқариш устида ишлашмоқда. Албатта, янги турдаги тракторлар ҳам қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ҳақиқий мададкорига айланади. Бунда корхона цехларида баракали меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг ҳиссаси салмоқли бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона токари Тоҳир Назиров ютуқларга муносиб ҳисса қўшмоқда; Нигора Мирзадиёрова малакали ишчилардан саналади; бежирим ва унумли трактор маҳсулотлари.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**





*Олий Мажлис Сенатида*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ — ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР АСОСИ

Мамлакатимиз Асосий Қонуни қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги олдидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган, “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – ҳуқуқий ислоҳотлар асоси” мавзусига бағишланган давра суҳбати 20 ноябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари Конституцияни давлатимизни равнақ топтиришнинг мақсад ва истиқболларини белгилаб берган, унинг барқарорлиги ҳамда ижтимоий тараққиёти пойдеворига асос солган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари гарови бўлган бағоят муҳим, асосий сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат дея таъкидладилар. Ўз тараққиёт йўлини танлаб олган халқимиз учун Конституция янги эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ишончли ҳуқуқий кафолати бўлиб қолди.

Муҳокама ва ўзаро фикр алмашувлар асносида айтилганидек, мустақиллик йиллари мобайнида давлатчилик ҳамда ҳуқуқий ривожланиш борасида Ўзбекистон эришган ютуқлар Конституциямиз принциплари ва нормалари амал қилаётганлигининг самарасидир. Сўзга чиққанлар халқимизнинг кейинги йиллардаги ютуқларига баҳо берар эканлар, Асосий Қонуннинг улкан роли ҳамда салоҳиятини холислик билан эътироф этиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шунга алоҳида урғу бериб айтдики, “... мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир”.

Мамлакатимизнинг етакчи олим ва ҳуқуқшунос мутахассислари ўз сўзларида Конституция негизидаги суверен тараққиёт йилларида бизда бутунлай янги илғор қонунчилик шаклланганлигига ҳам эътиборни қаратдилар. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мамлакатни эркинлаштириш ва модернизациялаш ўзанида киритилган тузатишлар конституциявий-ҳуқуқий ислоҳот амалга оширилаётганлиги ва конкретлик касб этаётганлигидан ёрқин далолатдир. Бу тузатишлар демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари илгарилаб бориши зарурати тақозосидир.

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳот сайловлар ўтказишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмининг қайта шакл топишига олиб келдики, бу хусусан давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайганлигида намоён бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси Конституциянинг барқарорлиги ва ҳаётийлиги қонунларимиз доимий равишда янги мазмун ва моҳият билан тўлдириб борилаётганида, асосий қомусимиз нормалари ижтимоий-ҳуқуқий амалиётда мужассам топаётганлигида ёрқин намоён бўлаётганлигидан далолат беради.

Давра суҳбати иштирокчилари демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган дастурий мақсадларига мувофиқ мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш ишларини бундан буён ҳам давом эттираверишзарурлигига эътибор қаратдилар.

Масалани муҳокама этиш асносида тадбир иштирокчилари қонунчилик иши сифатини яхшилаш, Конституциянинг роли ва аҳамиятини янада кенгроқ тарғиб этиш хусусида, фуқароларнинг Конституция борасидаги билимларини чуқурлаштириш, уларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданияти даражасини юксалтириш тадбир-чораларини амалга ошириш масалалари юзасидан қатор таклифлар билдирдилар.

Давра суҳбати якунлари асосида иштирокчилар тегишли тавсия қабул қилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенаторлари ва депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вазирлик ва идоралар, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари, турли жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**ЎзА**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**●Наманган Маданият коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун олдидан «Ўсмир қонун ҳимоясида» номли тадбир ўтказилди. Унда ўқувчилар мамлакатимиз Асосий Қонуни, унда болалар ва ўсмирларнинг ҳуқуқ-бурчлари юзасидан белгиланган моддалар бўйича билимларини синовдан ўтказишди.**

**●Жиззах вилояти Маънавият тарғибот марказида «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14 нафар иштирокчи ўзаро куч синашди.**

**●«Яккабоғтекс» Ўзбекистон —Германия қўшма корхонасида жорий йилнинг ўтган ўн ойида 2308 тонна маҳсулот тайёрланиб экспортга юборилди. Бу корхона ишга тушган дастлабки йилдагидан қарийб уч баробар ортиқдир.**

**●Наманган шаҳрида Халқаро ногиронлар куни ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб ногирон спортчилар ўртасида VII халқаро марафон ўтказилди.**

**●Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида Бухоро вилоятида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.**

**●Чустлик хусусий тадбиркор Аҳмаджон Ҳамидов маданий-маиший ва савдо мажмуасини барпо этиб, фойдаланишга топширди. Ҳозирда туман марказидаги мазкур масканда аҳолига 12 турдаги хизмат кўрсатилмоқда.**

**● Нодира номидаги Наманган вилоят ахборот-кутубхона марказида умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди.**

**●Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонасида хайрия тадбири ўтказилди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур хайрия акцияси давомида кўп йиллар соғлом авлод тарбияси ва саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган 25 нафар шифокорга жамғарманинг эсдалик совғалари топширилди.**

**● Бухоро вилоятига «Экосан» халқаро ташкилоти «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этган инсонпарварлик юки ортилган «Экосан» саломатлик поезди жўнаб кетди.**

### ЖАҲОНДА

**●Бугун Францияда пенсия соҳасидаги ислоҳотлар ва иш ўринларини қисқартириш юзасидан саккиз кундан бери ўтказилаётган иш ташлашлар ва норозилик намойишларини тўхтатиш бўйича ҳукумат ва касаба уюшмалари ўртасида музокаралар бўлиб ўтади. Кеча мамлакат президенти Н. Саркози ислоҳотлар давом эттирилишини билдирди.**

**●Брюсселда Сербия ва Косово ўртасида ўтказилган музокаралар кеча муваффақиятсиз якунланди.**

**●Донецкдаги Засядько номли кўмир конида метан газининг портлаши оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони 90 кишига етди. Ўн киши эса бедарак йўқолган. Конда яна ёнғин чиққанлиги ва портлаш хавфи юзага келганлиги қутқарув ишларини қийинлаштирмоқда. Кеча ҳалок бўлган кончиларнинг дастлабки дафн маросимлари бўлиб ўтди.**

**●Кеча Касбий денгизида 11 ноябрда ҳалокатга учраган Россиянинг «Камест-1» юк кемаси экипажи аъзоларидан уч киши қутқариб олинди. Денгизчилардан 9 нафарининг тақдири эса ҳозирча номаълум. Денгизда эсаётган кучли бўрон қутқарув ишларини қийинлаштирмоқда.**

**● Руминияда бир неча кундан буён ёғаётган тинимсиз қор катта ноқулайликларни келтириб чиқарди. Хусусан, мамлакат жанубида автомобиллар қатнови тўхтади, электр тизимида узилишлар юзага келди. Мамлакатнинг учта областида сув тошқинлари рўй бериши хавфи мавжуд.**

**● Камбоджа пойтахти Пномпенда «Демократик Кампучия» собиқ президенти Кхиеу Самфан қамоққа олинди ва Пол Пот режими даврида жиноят қилган раҳбарлар устидан суд жараёни ўтаётган халқаро трибунал биносига олиб келинди.**

**● Кейинги ўн йил давомида Британиядаги барча махсус хизматлар ва полициячилар томонидан қидирилаётган хавфли жиноятчи — Жеймс Френсис Херли Голландиянинг Гаага шаҳрида қўлга олинди.**

**● Париждаги машҳур Эйфел минорасининг бир қисми бўлган айланма зинапоя кимошди савдосига қўйилди. Унинг бошланғич нархи 20 минг евро этиб белгиланди.**

**● Кеча Италияда олиб борилаётган археологик қазилмалар чоғида Рим шаҳрининг асосчилари Ромула ва Рем ғори ўн олти метр чуқурликдан топилди.**

**● Кеча 2014 йилги қишки Олимпиада мезбони бўлмиш Сочи шаҳрига Исроилдан тўртта бегемот келтирилди.**

**● Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилаётган қисқа масофага сузиш бўйича жаҳон Кубоги босқичида швециялик Стефан Нистрант эркин усулда 50 метрга сузишда янги жаҳон рекордини ўрнатди.**

*Ислоҳотлар оқимида*

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАНОҚ МАМЛАКАТНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАНЛАДИ. ҲАЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА БОШЛАНГАН ИСЛОҲОТЛАР БАРҚАРОР ТУС ОЛДИ. МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЎТГАН 16 ЙИЛИ МОБАЙНИДА ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ СОҲАСИДА ЗАРУР КАФОЛАТЛАРНИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ТАНЛАШ, ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АНИҚ ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.**

Мамлакатда кўппартиявийлик тизимини шакллантириш бўйича изчил иш олиб борилди. Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Ҳуқуқий база яратилгани туфайли партиялар сиёсий тажрибага, сиёсий етукликка, молиявий мустақилликка эга бўлди, жамиятда сиёсий мавқега эришишди.

Шу билан бирга демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарурати фуқароларнинг сиёсий фаоллигини сезиларли даражада оширишни, мамлакат ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ва ўрнини кучайтиришга йўналтирилган янги қарорлар қабул қилинишини талаб этади.

Бу муҳим вазифа давлат қурилишини ва жамият тараққиётини демократлаштириш, одамларнинг манфаатлари, интилишлари ва фикр-мулоҳазаларини тўлатўкис назарда тутишдек бугунги кун талабини ҳисобга олган ҳолда умумэътироф этилган демократик тамойилларга мувофиқ амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига; 93-моддасининг 15-бандига; 102-моддасининг 2-қисмига)»ги қонун айнан шу мақсадларни назарда тутади.

Шунингдек, таъкидлаш жоизки, мазкур қонун лойиҳаларини парламентнинг қуйи палатасига киритиш билан бир пайтда шартлари ҳам тақдим этилган бўлиб, уларда ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий ғояси, мақсади ва предмети тегишли ижтимоий муносабатларнинг умумиий тавсифи ва ҳолатига баҳо берилган.

Қонунлар лойиҳалари қонунчилик палатасининг қарорига мувофиқ матбуотда эълон қилинган. Ушбу қонунлар нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро ҳамжамиятда ҳам катта қизиқиш уйғотдики, Германия, Франция, Австрия, Италия, Греция, Польша, Ҳиндистон каби давлатлар сиёсий арбоблари томонидан билдирилган кўплаб ижобий фикрлар шундан далолат беради.

Шунингдек, Сенат «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрсида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Сиёсий партиялар тўғриси»даги, «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни кўзда тутувчи қонунни ҳам маъқуллади. Улар жорий йилнинг 12 апрель куни матбуотда эълон қилинди.

Мазкур қонунларнинг қабул қилинишини нафақат қонунчиликда, балки ижтимоий-сиёсий ҳаётда улкан аҳамиятга молик воқеа сифатида эътироф этиш мумкин. Уларни ишлаб чиқиш жараёнида қанчалик кўламли ва машаққатли меҳнат амалга оширилганини тасаввур қилиш қийин эмас. Зеро, уларнинг барча нормаларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирини тақозо этиши, мантиқий изчиллиги, яхлитлиги ва мувофиқлиги алоҳида ажратиб туради. Қабул қилинган қонунлар аксарият ривожланган давлатларнинг демократик қадриятларини, ижобий халқаро тажрибаларни ўзида акс эттиради. Уларни ишлаб чиқиш жараёнида олимлар, мутахассислар, сиёсий партиялар вакилларининг нуқтаи назари ҳам эътибордан четда қолмади.

Шуни айтиш лозимки, Конституцияга киритилган сўнгги ўзгартиришлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш билан боғлиқдир. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат ҳокимияти органларининг ҳамжиҳат бўлиб фаолият юритиши, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлашни таъминлашга доир бевосита ҳамда аниқ йўналтирилган масалалар билан шуғулланиш имконини беради. Бундай тизим Франция, Италия, Чехия, Словакия каби дунёнинг демократик давлатлари тажрибасида мавжуд. Мазкур қонунлар ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг мантиқий давоми, мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини босқичма-босқич тадрижий ривожлантиришнинг натижаси, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ташланган муҳим қадам бўлди. Қонунларнинг қабул қилиниши ҳар биримизнинг, шу жумладан, Адлия вазирлиги олдига ҳам уларнинг нормаларини ҳаётга жорий этиш, бу ўзгаришлар мамлакатимиз ва халқимизга нима беришини ҳамда ҳар биримиздан нималарни талаб қилинишини одамлар онгига етказишдек масъулиятли вазифаларни қўяди. Ана шу мақсадда Адлия вазирлиги томонидан бир қатор тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Хусусан, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари конституциявий қонун нормалари билан мувофиқлаштириш мақсадида таҳлил қилинади ва бу борада тегишли чоралар киритилади.

Хуллас, мазкур қонунларни амалиётда қўллаш, улар асосида ишлаб чиқилган материаллардан Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатларининг касбий фаолиятида, шунингдек, талабалар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва бошқа мансабдор шахсларнинг ўқув ва илмий мақсадларида фойдаланиш фойдали бўлади. Буни эса бугунги кун талаби ҳам тақозо этади.

**Аброр БЕРДИЕВ,**
**Умид РАСУЛОВ,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходимлари**

*Транспорт*

# АҲОЛИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЙЎЛИДА

**КЎЧАЛАРИМИЗНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ, РАВОН, ОЙДИН ЙЎЛЛАРИМИЗ, МУСТАҲКАМ, ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ КЎПРИКЛАР ШАҲРИМИЗ ИЧИДА ҲАМ, ТАШҚАРИСИДА ҲАМ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ МУНТАЗАМ ҲАРАКАТИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЙЎЛОВЧИЛАРГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ УЧУН ЕТАРЛИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТМОҚДА. ҚИШ — СИНОВ ДАВРИ ЭКАНЛИГИ, У АЛОҲИДА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРИШИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА АҲОЛИГА УШБУ МАВСУМДА НАМУНАЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШДА «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИНИ ТАЪКИДЛАШ ЎРИНЛИ, АЛБАТТА.**

Ҳозирда мазкур уюшма таркибидаги «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси (10 та автобус саройлари, 1 та йўналишли такси автокорхонаси, 5 та такси саройи, «Мерседес-Бенц» сервис хизмат кўрсатиш марказлари); «Тошэлектртранс» Давлат компанияси (1 та трамвай, 1 та троллейбус, 1 та трамвай-троллейбус деполари), метрополитен жамоаларининг иш фаолиятларини таъкидлаб ўтиш жоиз. Шунингдек, уюшма тасарруфидаги инфратузилма хизматлари — йўл хизмати, шаҳар электр транспортига хизмат кўрсатиш шўъбаси, «Тошйўловчитаъмирсервис» акциядорлик компанияси («2-автосозлаш заводи» ва 2 та таъминот хизмати — «Транстаъминот» очиқ акциядорлик жамияти, «Фаворий-автохизмат» масъулияти чекланган жамияти, жамоалари ҳамшаҳарларимизнинг кўзлаган манзилига вақтида ва бехатар етиб боришлари йўлида белгиланган режалар асосида меҳнат қилишмоқда.

Бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг замирида улкан маблағ ҳамда минглаб инсонлар: касб-корининг усталари бўлган мутахассисларнинг машаққатли меҳнатлари ётади. Жумладан, жамоат транспортининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш — замонавий транспорт воситаларининг қатнови, янги йўналишларнинг очилиши аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга омил бўляпти.

Қиш фасли бошқа фасллардан фарқли ўлароқ алоҳида тайёргарликни талаб қилади, шу сабабли қишнинг қировли, ёғин-сочинли, аёзли кунларига барча соҳа ходимлари қатори ушбу уюшма жамоаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиш мақсадида аниқ режалар асосида пухта ҳозирлик кўрди. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан шаҳар хўжалигини 2007-2008 йилларда кузги-қишки мавсумга тайёрлаш бўйича уюшмада жорий йилнинг март ойида буйруқ чиқарилди. Унда ўтган йилдаги кузги-қишки даврда йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда ташкилий-техник тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурга кўра уюшма таркибига кирувчи барча тармоқ корхоналарда амалга оширилиши зарур бўлган иш режалари тузилди.

Ҳозирги кунгача уюшма бўйича ҳаракат воситаларини таъмирлаш қоидаларига кўра, техник хизмат ва таъмирлаш ишларини тўла ҳажмда сифатли қилиб бажариш ҳамда кузги-қишки мавсумга барча белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича режавий ишлар — 1788 та автотранспорт воситалари, 110 та трамвай, 76 та троллейбусларнинг техник, санитария, ички ва ташқи ҳолатини тартибга келтириб, яхшилаш юмушлари амалга оширилди. 180 та метро вагонлари эса сентябрь ойида жадвал бўйича мавсумнинг кузги комиссион текширувдан ўтказилди.

Ўз муддатида жадвалга асосан 16 та автокорхонада техник кўрик Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилди ҳамда техник тайёргарлик коэффициенти талаб даражасида эканлиги қайд этилди. Техник тасарруф қоидаларига биноан, энергия хўжалигида режавий таъмир ишлари устидан назорат кучайтирилди, унга кўра 234 километр трамвай, 293 километр троллейбус уланиш тармоқлари, 1015 та махсус қисмлар, 53 та тортиш подстанцияларининг электр ускуналари таъмирланди ҳамда лаборатория текширувидан ўтказилди.

Трамвай йўл хизмати жамоаси аҳилликда трамвай йўлларини таъмирлаб, тартибга келтириш бўйича анчагина ишларни бажарди. Режа бўйича 60 километр йўл ва махсус қисмлар, 24 та стрелка ўтказгичлар таъмирланди, Қодиров, Сарикўл, Усмон Юсупов, Ҳабиб Абдуллаев кўчаларидаги трамвай йўллари Истиқлол байрами арафасида таъмирланди. Уюшма тасарруфидаги корхоналарда иссиқлик, сув тизими, бино ва иншоотларнинг профилактик таъмирлаш ишлари ҳам режа бўйича бажарилди: электрускуналар, алоқа тармоқлари, двигателларни ишга туширишни осонлаштирувчи воситалар, сувни иситиш, автобусларни буғ билан иситиш тизими профилактик таъмирланди, ёнилғи қуйиш шохобчаларини профилактик таъмирлаш, сиғимларни тозалаш, технологик ускуналарни таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилди; қозонхоналарни қишки даврга тайёрлаш ишлари, яъни керакли миқдордаги 460 тонна суюқ қозонхона ёнилғисини йиғиш ҳам уддаланди; корхоналарда ишлаб чиқариш, маъмурий бинолар, цехлар таъмирдан чиқарилди.

Шунингдек, ҳайдовчилар (алоҳида тартибда қишда биринчи марта ишлаётганлар) билан қўшимча йўриқномалар ўтказилди. Йўловчилар, нозимхона ходимларига, ҳайдовчиларга ушбу мавсумда қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли 68 та автошоҳбекатларда ҳам талай ишлар қилинди, улардан 22 таси янгидан замонавий тарзда қурилди.

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш маданиятини ошириш, автобус паркини янгилаш мақсадида «Мерседес-Бенц» русумидаги автобуслар қаторига жорий йилда «Исузу» русумидаги микроавтобуслар олиниб, йўналишларга қўйилди. Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган ушбу «Исузу»лардан яна 40 таси харид қилиниши кўзда тутилган.

Уюшманинг «Мерседес-Бенц» сервис марказларида мазкур русумдаги микроавтобусларга техник сервис хизмати кўрсатилади. Бундан ташқари, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган «Хундай» русумли 10 та автобус ҳам харид қилиниб, 18-автобус саройида 114-йўналиш бўйича хизмат кўрсатмоқда. «Киров номли Усть-Катав вагон қуриш заводи»дан 30 та трамвай сотиб олиш ҳақидаги шартномага асосан бугунги кунда 8 та трамвай вагони шаҳримизга келтирилди ҳамда 27-йўналиш бўйича йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, шаҳар жамоат транспортини қишки мавсумга тайёрлаш борасидаги ишлар талаб даражасида уддаланди.

**Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА**



*Санъат*

# БАСТАКОРНИНГ ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

**КУЙ ВА ҚЎШИҚ ИНСОНЛАРНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИ, ҚАЛБИГА, ОНГИГА БУТУН БОРЛИҒИГА ОРОМ ВА САРХУШЛИК БАХШ ЭТУВЧИ ЁҚИМЛИ ВОСИТАЛАР, АЗАЛ-АЗАЛДАН ОДАМЗОТ КУЙИНИНГ СЕҲРЛИ НАВОСИГА ОШУФТА БЎЛИБ КЕЛГАН, УНДАН МАЪНАВИЙ ОЗИҚ ОЛГАН. ИҚТИДОРЛИ БАСТАКОРЛАРИМИЗНИНГ СЕРМАҲСУЛ ИЖОДЛАРИ ОРҚАЛИ ҲАМ ЖУДА КЎПЛАБ ЎЛМАС АСАРЛАР ЯРАТИЛГАНКИ, УЛАР БУГУНГИ КУНДА НАИНКИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА, БАЛКИ ЖАҲОН САҲНАЛАРИДА ЎЗ МУХЛИСЛАРИГА ЭГАДИР.**

Куни кеча Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Фарҳод Алимовнинг ижодий кечаси бўлиб ўтди. Унда ушбу бастакор яратган куй ва қўшиқлардан тузилган концерт дастури йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

— Фарҳод Алимов иқтидорли ва меҳнаткаш бастакор,— дейди санъатшунослик фанлари доктори Тўхтасин Ғофурбеков. У яратган «Тўёна», «Шодиёна», «Табрикнома» каби увертюралар айни халқ чолғулари оркестрига мўлжалланган. Ўзбек мусиқали драмаси ва комедияси жанрларида ҳам изчил ижод қилиб келмоқда. Унинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Нодирабегим» каби мусиқали драмалари мухлислар томонидан эътироф этилган. Комедия жанрида «Суперқайнона», «Ўлдинг, азиз бўлдинг»,« Чеча» каби қатор мусиқали комедияларга ҳам куй басталади. Унинг ижоди хилма-хиллиги ва бойлиги билан тавсифланади.



Концертда Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова, «Сўғдиёна» камер оркестри, Ўзбекистон халқ ҳофизи Маҳмуд Тожибоев, Рустам Каримов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Жўра Шукуров ижросида Ф.Алимов томонидан басталанган куй ва қўшиқлар янгради. Шунингдек, кечада Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов раҳбарлигидаги ансамбль томонидан «Сариқ жўжалар», «Болаларимиз» каби қўшиқлар ижро этилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Козим Қаюмовнинг «Сен қайдан биласан» қўшиғи барчага бирдай манзур бўлди.

Иқтидорли бастакор Фарҳод Алимовнинг ижодий кечаси жозибали ва мароқли тарзда ўтди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: концертдан лавҳалар.**

**Алексей ПОПОВ олган суратлар**

*Алоқа*

# ЯНГИ ОММАБОП ЛУҒАТ

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА АЛОҚА ТИЗИМИДА КЎПЛАБ ЯНГИ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР ЮЗАГА КЕЛДИ. УЛАР АСОСИДА ЛУҒАТЛАР ЯРАТИШГА КИРИШИЛДИ.**

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги саъй-ҳаракати билан босмага тайёрланаётган бу хил нашрлар мамлакатимизда атамашуносликни ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

«Телекоммуникацияларга оид атамалар қисқартмаларининг инглизча-русча-ўзбекча луғати» эса яқинда кўп нусҳада чоп этилди.

Агентликнинг фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида олиб борилган изланишлар натижаси ўлароқ босмага тайёрланган мазкур луғатда алоқа тизимида ишлатилаётган 4500 дан ортиқ қисқартма ибора ва шартли белгилар ўз ифодасини топди.

Янги луғат оммабоп қўлланма сифатида ҳам қимматлидир.

**Анвар ВАЛИЕВ**

*Иқтисодиёт*

# БОЛАЖОНЛАРГА АТАЛГАН

**БУГУНГИ КУНДА БОЗОРЛАРИМИЗ ВА ДЎКОНЛАРИМИЗ ПЕШТАХТАЛАРИДА КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ БЕЖИРИМ ВА ЧИРОЙЛИ КИЙИМ-КЕЧАКЛАРИНИ КЎРИБ НАФАҚАТ КЎЗИНГИЗ ҚУВНАЙДИ, БАЛКИ ДИЛИНГИЗ ҲАМ ЯЙРАБ КЕТАДИ. ЯНА УШБУ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТИ БИЛАН ЯРАТИЛАЁТГАНИ КИШИНИ ҚУВОНТИРАДИ.**

Тадбиркорлик билан жорий йил бошидан фаолият кўрсатаётган «E'zoza-NUR TEKS» хусусий корхонаси чеварлари ҳам ўз мақсадлари йўлида интилиб, болалар учун турли хил либослар тайёрлашмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида эса қилинган саъй-ҳаракатлар яхши самара берганлиги боис ҳам улар тикаётган сифатли маҳсулотлар харидорлар эътиборини қозониб улгурди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бозорни ўрганиш натижасида хусусий корхона дизайнер-модельерлари шу кунгача 30 хилдан зиёд маҳсулот турларини яратишди. Хорижий тикув машиналарини моҳирлик билан бошқараётган чеварлар эса уларни тикишда болаларга қулай бўлишига, сифатига, безалишига эътибор қаратишмоқда.Айниқса, уларга маҳсулот тайёрлашда маҳаллий хом ашё қўл келмоқда.

— Биз ўз маҳсулотларимизни фарзандларимизга тортиқ этар эканмиз, — дейди корхонанинг тадбиркор раҳбари Малика Фаттоҳова, — ўғил-қизларимизнинг соғлиқларига, яйраб ўсишларига муносиб ҳисса қўшаётганимизни дилдан ҳис этиб турамиз. Ҳозирги пайтда 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган кичкинтойларга кийим-кечаклар тикаяпмиз. Келгусида эса янги ҳамкорлар топиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ички бозорда ўз ўрнимизга эга бўлиш ниятидамиз.

Чеварлар тиккан ажойиб ва хилма-хил либослар шартнома асосида «Тошкент универмаги» ва «Чорсу савдо маркази» супермаркетларига етказиб берилмоқда.

# ЭКСПОРТБОП ТРИКОТАЖ МАТОЛАРИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ХОРИЖИЙ КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТБОПЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИ ВА ШУ БОИС ҲАМ УШБУ ТОВАРЛАР ЖАҲОН БОЗОРИДА СОТИЛАДИ.**

2006 йилда ташкил этилган «BF TEXTILE PRODUKTION» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона тўғридан тўғри инвестиция киритиш йўли билан ташкил этилган бўлиб, бу ерда асосан трикотаж матолари чиқарилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, хориждан келтирилган тўқимачилик дастгоҳлари билан жиҳозланган корхонада бир кунда 10 тоннадан зиёд турли хил трикотаж матолари тайёрланади. Энг асосийси эса хориж инвесторларига мустақил диёримизда яратилган қулай муҳит ва шарт-шароитлардан оқилона фойдаланган корхона тадбиркорлари олдига қўйган мақсадларига эришиб, тайёрланган рангли матоларнинг асосий қисмини Италия, Болгария, Миср, Россия сингари талабгор давлатларга экспорт қилмоқда.

Корхонада маҳсулот сифати ва турларини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш баробарида цехларда ишлаётган 300 нафар ишчи-хизматчиларга керакли шарт-шароитлар яратилган. Келгусида эса янги инвестицияларни киритиш натижасида қўшимча цехлар очилиб, унумли дастгоҳлар келтириш кўзда тутилган. Албатта, шу асосда тайёрлаётган трикотаж матоларнинг сифати ва турлари янада ортади.

# ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲЛАР АСОСИДА

**ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ, ДЕГАН ИБОРАГА АМАЛ ҚИЛГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН БЕБАҲО ИМКОНИЯТЛАРДАН БАҲРАМАНД БЎЛИБ, ИНТИЛИШМОҚДА, ТАШАББУС КЎРСАТИШМОҚДА.**

Шу боис ҳам ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, шунинг баробарида хорижга ўз маҳсулотларини экспорт қилиб мамлакат иқтисодиёти ривожига улуш қўшишда уларнинг ҳиссалари салмоғи ортиб бормоқда. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «GRAND APEX» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам ана шундайлар қаторида бўлиб, ҳозирда улар маҳсулот турлари ҳамда рақобатбардошлигини ошириш ниятида хорижлик ишбилармонлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга, шу асосда чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда қўшма корхона ташкил этишга ҳаракат қилишмоқда.

Бугунги кунда корхонада моҳир дизайнер, бичиқчи ва чеварларнинг маҳорати билан 40 турдан зиёд замонавий либослар тайёрланмоқда. Трикотаж матолардан тикилаётган ушбу кийим-кечаклар аёллар, эркаклар ва болаларга мўлжалланган. Цехларга ўрнатилган Россия, Хитой ва Италия давлатларидан келтирилган дастгоҳ ва машиналар тадбиркорларнинг бозор ва харидор талабини тўғри англаганини исботлаб турибди. Маҳсулотларнинг чиройини таъминлашда уларга безак берувчи нақш тушириш ускунасидан фойдаланиш яхши самара бермоқда.

Айтиш жоизки, маҳаллий хом ашё— яъни мамлакатимиздаги қўшма ва хорижий корхоналарда ишлаб чиқарилаётган сифатли трикотаж матолари тадбиркорларга қўл келмоқда. Келгусида ўз фирма дўконларини очишни кўзлаган жамоа аҳли ҳозирда маҳсулотларини мамлакатимиздаги кўплаб савдо шохобчалари орқали харидорларга етказиб бермоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**



**СУРАТДА:Мельбурн Олимпиадаси машъаласининг ёндирилиш пайти.**

Бундан ташқари Австралиянинг амалдаги қонунларига мувофиқ бу мамлакатга олти ойлик карантин муддатисиз ҳайвонларни олиб кириш таъқиқланиши сабабли от спорти мусобақалари қандай ўтказилиши маълум эмасди.Шу туфайли кўпчилик асосли равишда нима учун Халқаро Олимпия Қўмитаси Ўйинлар пойтахти бўлишга даъвогарлик қилган Буэнос-Айрес, Детройт,Лос-Анжелес,-Миннеаполис,Сан-Франциско,Филадельфия,Чикаго,Мехико,-Монреални эмас,балки бу узоқ қитъадаги шаҳарни танлаганига ҳайрон бўларди.

ХОҚнинг Олимпиада ўйинлари барча қитъаларда бўлиб ўтишига ҳаракат қилаётганлиги тушунарли эди.Кейинроқ маълум бўлишича,ўн олтинчи Олимпиадада юқорида қайд этилган муаммолар асосий эмас экан.Мельбурндаги крикет стадиони жуда замонавий тарзда қайта таъмирланиб,104 минг томошабинни бағрига оладиган машҳур "Мейнстадиум"га айлантирилди. Мельбурн яқинидаги Гейдельберг шаҳарчасида 4500 спортчи учун 850 та бир ва икки қаватли уйчалардан иборат олимпия қишлоғи қад ростлади.Ўйинлар дастуридаги от спорти мусобақалари эса Швеция пойтахти Стокгольмда 1956 йил 10-17 июнь кунлари ўтказилди.Бу мусобақаларда 29 мамлакатдан 158 спортчи,шу жумладан 13 аёл иштирок этди.

Мельбурн Олимпиадасини ўтказишда ташкилий масалалар эмас,балки бевосита ўйинлар арафасида Венгрия,Миср ва Тайвань билан боғлиқ воқеалар жиддий муаммолар туғдирди.1956 йил ноябрида Венгрияда бошланган аксилшўро исёнини бостириш учун совет қўшинлари бу мамлакатга киритилди.5 ноябрда Будапешт радиоси шаҳардаги жангларда бошқалар қатори ўн бешинчи Олимпиада чемпиони енгил атлетикачи Йозеф Чермак,ана шу ўйинлар иштирокчиси бешкурашчи Габор Бендчек ҳалок бўлганликларини маълум қилди.Венгриядаги бу воқеалар муносабати билан Голландия,Испания ва Швейцария Мельбурн Олимпиадасида иштирок этишдан бош тортдилар.

Айни шу вақтда Франция, Англия ва Исроил Мисрга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборишган эдилар. Шунинг учун Ироқ олимпиадачилари ҳам Австралияга сафарларини бекор қилдилар.Хитой Халқ Республикаси эса Мельбурн Олимпиадасига Тайвань ороли спортчилари мустақил давлат вакиллари сифатида таклиф этилганликлари муносабати билан бу ўйинларни бойкот қилдилар.

Собиқ иттифоқ олимпия терма жамоаси Мельбурнга йўл олар экан,Тошкентда тўхтаб ўтди.Бу ерда 31 октябрь куни Олимпиада ўйинлари,жаҳон ва Европа биринчиликлари чемпионлари, истеъдодли ёш спортчилар республикамиз спорт жамоатчилиги вакиллари билан учрашдилар.Гимнастика бўйича республика чемпиони Светлана Чуксеева уларни қутлаб,Мельбурнда муваффақиятлар тилади.Собиқ иттифоқ олимпия қўмитаси раиси К.Андрианов,олимпиадачилардан гимнастикачи Лариса Латинина,енгил атлетикачи Михаил Кривоносов мамлакат спорт ихлосмандларининг ишончини оқлашга ваъда бердилар.

1956 йил 22 ноябрь куни Мельбурнда XVI Олимпиада ўйинлари бошланди.Дастлабки бор олимпия машъаласи ўйинлар пойтахти сари йўлнинг асосий қисмини ҳаво орқали босиб ўтишига тўғри келди.Олимпда ёқилиб Афинага келтирилган машъала бу ердан 22 минг километрлик масофани самолёт бортида босиб ўтиб, Австралия шимолидаги Дарвин шаҳрига келтирилди ва шу ердан мамлакат бўйлаб Мельбурнга йўл олди.

Юқоридаги сабабларга кўра бу ерга 68 давлатдан 3184 нафар,шу жумладан 371 аёл спортчи ташриф буюрди. Яшил қитъадаги олимпия стадионидан биринчи маротаба Кения,Либерия, Малайи,Тайвань ороли, Уганда,Фиджи,Эфиопия миллий жамоалари шахдам қадам ташлаб ўтишди. Германия Демократик Республикаси ва Германия Федератив Республикаси олимпиадачилари эса Бирлашган Германия жамоасини ташкил этдилар.



**СУРАТДА:спорт гимнастикаси бўйича тўққиз карра Олимпиада, кўп марта жаҳон ва Европа чемпиони украиналик Лариса Латинина.**

Иштирокчилар нисбатан камлигига қарамасдан Мельбурн Олимпиадасининг спорт натижалари жуда юқорилиги билан ажралиб туради.Австралиядаги мусобақаларда 72 та олимпия,шу жумладан 22 та жаҳон рекорди ўрнатилди.

Бу ўйинларни собиқ иттифоқда "Куц Олимпиадаси" номи билан аташарди. Ҳақиқатан ҳам мамлакат олимпия терма жамоаси аъзоси Владимир Куц Мельбурнда 5000 ва 10000 метр масофага югуришдаги ғалабаларини олимпиада рекордлари билан безади.

Умуман, енгил атлетика мусобақаларида АҚШ спортчилари ҳамон пешқадам эдилар.Уларнинг спортнинг бу тури бўйича 33 та олтин медалдан деярли тенг ярми – 16 тасини қўлга киритганликлари буни ҳаммадан ҳам ёрқин исботлаб турибди.

Сузишда эса мезбонлар спортнинг бу тури Австралия учун энг асосий эканлигини биринчи марта намоён қилишди.Яшил қитъа вакиллари сузиш ҳавзаларидан 13 та олий нишоннинг 8 тасини "тутиб олиш"га муваффақ бўлдилар.

Спорт гимнастикасида жамоа ҳисобида ҳам, шахсий биринчиликларда ҳам собиқ иттифоқ, қиличбозликда эса Италия ва Венгрия спортчилари юксак маҳоратларини намойиш қила олдилар. Хусусан, украиналик Виктор Чукарин Мельбурнда спорт гимнастикаси мусобақаларида ҳаммаси бўлиб бешта: учта олтин,кумуш ва бронза,унинг Днепр соҳилларидаги юртдоши Лариса Латинина ҳам худди шунча – тўртта олтин ва битта кумуш медаль билан тақдирландилар. Италияликлар рапира ва шпагада рақибларидан устун келган бўлсалар,венгерлар қиличда жамоа ҳисобида биринчи ўринни олдилар. Бу мамлакат қиличбози Р.Карпати ҳам фаҳрий шоҳсупанинг энг тўрига кўтарилди.

Тўрт спортчи аввалги Олимпиадада эришган олий ютуғини такрорлашга муваффақ бўлди.Мезбонлардан Ш.Стрикленд де ла Ханти 80 метрга тўсиқлар оша югуришда,бразилиялик А.Ферейра да Силве уч ҳатлаб узунликка сакрашда,АҚШлик П. Брайен ядро улоқтиришда, унинг жамоадоши Р.Ричардс лангар билан баландликка сакрашда Мельбурнда ҳам худди Хельсинкидек олтин медалларга сазовор бўлдилар.

Олимпиада ўйинларининг тантанали ёпилиш куни – 8 декабрда футбол бўйича финал учрашувда майдонга собиқ иттифоқ ва Югославия терма жамоалари тушдилар. Ҳал қилувчи учрашувга қадар Бирлашган Германия жамоасини 2:1,индонезияликларни икки ўйинда – 0:0 ва 4:0,болгарларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратган совет футболчилари югославлар дарвозасини бир марта ишғол қилиб,чемпион бўлдилар.



**СУРАТДА: еттинчи Қишки Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш пайти.**

Норасмий умумжамоа ҳисобида ҳам собиқ иттифоқ олимпиадачилари ғалабаси жуда ишонарли бўлди.Улар 622,5 очко ва 98та (37 та олтин,29 та кумуш ва 32 та бронза) медаль билан иккинчи ўринни олган АҚШ спортчиларидан (497,5 очко ва 74 та,шу жумладан 32 та олтин,25 та кумуш,17 та бронза медаль) анча юқорироқ натижага эришдилар.

Халқаро Олимпия Қўмитаси ўзининг 1949 йилги сессиясидаёқ ўн бешинчи Олимпиададан эътиборан маданият ва санъат соҳасидаги анъанавий танловларни ўйинлар дастурига киритмаслик,бунинг ўрнига Олимпиада доирасида маданият ва санъат фестиваллари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.Биринчи бор ана шундай фестиваль Мельбурнда бўлиб ўтди. Бу ерда Олимпиада ўйинлари доирасида расм,ҳайкаллар,меъморлар асарлари,китоблар кўргазмалари ташкил этилди. Мельбурн,Сидней ҳамда Австралия бошқа шаҳарларининг энг яхши симфоник оркестрлари,фольклор жамоалари концертлари бўлиб ўтди.




## ОЛИМПИАДА: БИРИНЧИДАН ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИГАЧА

# ЯШИЛ ҚИТЪАДА

**ХОҚНИНГ 1949 ЙИЛГИ СЕССИЯСИДА XVI ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ШАРАФИ МЕЛЬБУРНГА ИШОНИБ ТОПШИРИЛГАНИДА БУ ҚАРОРНИНГ ОДИЛЛИГИГА ШУБҲА БИЛДИРГАНЛАР КАМ ЭМАСДИ.БУНДА ГАП БИРГИНА ЯШИЛ ҚИТЪА – АВСТРАЛИЯНИНГ ЖУДА ОЛИСЛИГИДАГИНА ЭМАСДИ.МЕЛЬБУРНДА ХОҚ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ ВА ЁПИЛИШ МАРОСИМЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН СТАДИОН ЙЎҚ ЭДИ.**

Австралиядаги мусобақаларда иштирок этган Венгрия миллий олимпия терма жамоаси аъзоларидан 56 нафарининг ватанига қайтиб боришдан бош тортиши Мельбурн Олимпиадасининг яна бир ўзига хос томони бўлди.



**СУРАТДА: икки карра Олимпиада чемпиони,1956 ва 1957 йилларда жаҳоннинг энг яхши спортчиси, деб тан олинган Владимир Куц.**

1956 йил 26 январь – 5 февраль кунлари эса Италиянинг Кортина- д,Ампеццо шаҳарчаси еттинчи қишки Олимпиада ўйинлари пойтахтига айланди.Жаҳонда қиш спорти марказларидан бири сифатида машҳур бўлган бу шаҳарчага 33 давлатдан 924 спортчи,шу жумладан 146 аёл келди. Улар орасида илк маротаба собиқ иттифоқнинг 153 олимпиадачиси ҳам бор эди. Германия Демократик Республикаси спортчилари ҳам қишки Олимпиадада дастлабки бор,лекин Бирлашган Германия жамоаси таркибида қатнашдилар.

Қишки ўйинларда Олимпиада тарихида биринчи марта аёл спортчи,италиялик чанғичи Жулиана Шенал Мануццо мусобақа қатнашчилари номидан қасамёд қилди.

Мусобақалар аввалги ўйинлардагидек қишки спортнинг беш тури,24 медаллар жамланмаси учун олиб борилган бўлсада, уларга айрим ўзгартиришлар киритилди. Хусусан,чанғи бўйича беллашувлар 18 километрга пойга 15 ҳамда 30 километр масофаларга алмаштирилиши,аёллар ўртасида янги 3x5 километрга эстафета мусобақалар дастурига киритилиши ҳисобига кенгайтирилди.

Чанғида пойгада ҳар галгидек шимол давлатлари вакиллари пешқадамлик қилдилар.Норвегиялик Х.Бренден 15 километрга пойгада маррага биринчи бўлиб етиб келган бўлса,30 километрлик масофада фин В.Хакулиненга,50 километрга пойгада швед С.Ернбергга бас келадиганлар топилмади.Қишки спортнинг бу турида собиқ иттифоқ чанғичиларигина 4x10 километрга эстафетада ғолиблик шоҳсупасига кўтарила олдилар.

Қишки Олимпиада ўйинларида собиқ иттифоқ спортчилари орасида биринчи бўлиб олтин медалга чанғида 10 километр масофага пойгада Любовь Козирева сазовор бўлди.Кортинад, Ампеццода ҳаммадан ҳам совет конькичилари кўпчиликни қойил қолдирдилар.Евгений Гришин 500 метр масофада 40,2 сония натижа билан жаҳон рекордини янгилади. У иккинчи олтин медалга ҳам 1500 метр масофада жаҳон рекорди (2 дақиқа.08,6 сония.) ўрнатган ҳолда сазовор бўлди. Худди шундай натижа кўрсатган жамоадоши Ю.Михайлов унинг рекордига шерик бўлди ҳамда шоҳсупа тўрига бирга кўтарилди.- Совет конькичиси Б.Шишковнинг 5000 метр масофада кўрсатган натижаси янги олимпия рекорди сифатида қайд қилинди. Коньки мусобақаларида фақат швед С.Эриксонгина 10000 метр масофада чемпион бўлиб,совет спортчиларининг қишки спортнинг бу турида мутлақ ғолибликларига ҳалақит берди.



**СУРАТДА: уч (1960,1964 ва 1968 йиллардаги) қишки Олимпиада ўйинлари иштирокчиси, икки карра Олимпиада чемпиони Евгений Гришин.**

Аммо австриялик Тони Зайлер тоғ чанғиси мусобақаларида ғалаба нашидасини ҳеч ким билан баҳам кўришни хоҳламади.У тоғ чанғиси бўйича барча уччала олтин медални ҳам қўлга киритиб, еттинчи қишки Олимпиада ўйинларининг ҳақиқий қаҳрамонига айланди.

Италиялик Жакамо Канти учта эмас,битта олтин медаль соҳиби бўлса ҳам ирода ва матонатда австриялик тоғ қиролидан асло қолишмасди. У шериги Ламберто Далла Коста билан икки ўринлик бобслейда юртида Олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлганида қирқ еттинчи баҳорини қаршилаётган эди!

Фин Л.Хювяринен Италияда трамплиндан чанғида сакрашнинг ҳали бирор спортчи қўлламаган техникаси билан рақибларини доғда қолдирди.Унинг 81 ва 84 метрга сакрашлари финга олтин медални нақд қилиб қўйди.

Фигурали учишда жуфтликларда австрияликлар,якка мусобақаларда АҚШликлар ғолиб чиқдилар.Шайбали хоккей бўйича олимпия турнирида совет спортчиларининг биринчи бор иштирок этишлариёқ Америка қитъаси мамлакатларининг узоқ йиллик якка ҳокимликлари тугаганлигини кўрсатди. Собиқ итифоқ терма жамоаси мусобақаларнинг саралаш босқичида Швеция (5:1),Швейцария (10:3),финал қисмида яна Швеция (4:1) ҳамда Чехословакия (7:4),Бирлашган Германия жамоаси (8:0),Канада (2:0),АҚШ (4:0) хоккейчиларини мағлубиятга учратиб, илк мартта Олимпиада чемпиони бўлди.Совет хоккейчилари рақиблари дарвозасига киритган шайбалардан тўққизтасининг муаллифи Всеволод Бобров эди.Ушбу спортчининг ҳар тарафлама юксак истеъдодидан унинг 1952 йилги Олимпиада ўйинларида совет футбол терма жамоасининг,Италиядаги қишки Олимпиадада эса шайбали хоккей терма жамоасининг сардори бўлганлиги жуда яққол далолат бериб турибди.

Қишки Олимпиадада ҳам норасмий умумжамоа ҳисобида собиқ иттифоқ спортчилари юксак натижа кўрсатдилар.Улар ҳисобида 103 очко ва 16 та (7 та олтин,3 та кумуш,6 та бронза) медаллар бор эди.Таққослаш учун иккинчи ўринни олган австрияликлар 66,5 очко ва 11 та (4 та олтин,3 та кумуш ва 4 та бронза) медаль,учинчи ўринга кўтарилган финлар 57 очко ва 7 та (3 та олтин,3 та кумуш ва 1 та бронза) медаль билан чегараланганликларини келтириш мумкин.

Ана шу даврда Ўзбекистонда спорт соҳасида катта ўзгаришлар рўй бераётган эди.1954 йилда саккизинчи Бутунўзбек спартакиадасида республиканинг ўн вилояти ва Тошкент шаҳридан 1515 спортчи иштирок этди. Спартакиада дастурига киритилган спортнинг 14 турида 14 та янги Ўзбекистон рекорди қайд қилинди.

Олимпиада ўйинлари йили – 1956 йил 10 июнда Тошкентдаги "Спартак" стадионида тўққизинчи Бутунўзбек спартакиадаси тантанали суратда очилди. Республика барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг 1800 нафарга яқин энг кучли спортчилари спортнинг 15 тури бўйича мусобақалашдилар.

Бу вақтда Ўзбекистонда жаҳоннинг энг яхши спортчилари билан беллаша оладиган ғоят истеъдодли спортчилар етишиб чиққан эдилар.Улардан бири, Ўрта Осиё (ҳозирги Ўзбекистон миллий) университети толибаси Валентина Баллод баландликка сакраш бўйича собиқ иттифоқ рекордчиси ҳисобланарди.У кўпгина расмий мусобақаларда,шу жумладан совет иттифоқи халқларининг Олимпиада ўйинлари арафасида бўлиб ўтган спартакиадасида ҳам 1 метр 68 сантиметр натижа кўрсатган эди.-Руминиядаги халқаро мусобақаларда эса шахсий натижасини 1 метр 70 сантиметрга ҳам кўтаришга эришди.У бу кўрсаткичи билан Олимпиада ўйинларида камида кумуш медаль соҳибаси бўларди.



**СУРАТДА: уч – 1956,1960,1964 йилги Қишки Олимпиада ўйинлари қатнашчиси, тўрт карра Олимпиада чемпиони швед чанғичиси Сикстен Ернбург.**

Аммо Валентина Баллоднинг Мельбурн Олимпиадасида кўрсатган натижаси 160 сантиметрни ташкил этди.Бу унга 11-ўринни олиб келди.Валентина Баллод тўрт йилдан сўнг Рим Олимпиадасида 165 сантиметр баландликка сакрашга муваффақ бўлди.У аввалги ўйинлардаги натижасини 5 сантиметрга яхшилаган бўлса ҳам спортнинг бу турида 15 - ўрин билан кифояланишига тўғри келди. Ҳа,спортда натижалар жадал ўсиб бораётганди.

Яна бир тошкентлик спортчи Анатолий Белицкий от спорти бўйича икки карра собиқ иттифоқ чемпиони эди. Енгил атлетикачилардан Тошкент тиббиёт институтининг толибаси Флёра Камолова,спорт устаси Фарида Ҳасанова ўрта масофаларга югуришда иттифоқ мусобақаларида катта муваффақият билан қатнашиб келаётган эдилар.

Айниқса,самарқандлик опа-сингил Ирина ва Тамара Пресснинг енгил атлетика мусобақаларида кўрсатаётган натижалари қувонарли эди.Тамара спорт снарядлари улоқтиришга ихтисослашиб,бу истеъдодли енгил атлетикачи маҳоратини ошириш учун тезда Ленинградга таклиф этилган бўлса,Ирина бир неча йиллар давомида Ўзбекистон терма жамоаси сафида иттифоқ биринчиликлари ва спартакиадаларида республика шарафини муваффақиятли ҳимоя қилиб келди.У тўққизинчи Бутунўзбек спартакиадасида бешкурашда 3941 очко тўплаб,собиқ иттифоқ рекордини ўрнатди.

Ўзбекистон эшкак эшиш спорти мактабига ҳам ана шу Мельбурн Олимпиадаси йилида асос солинди.1956 йил 27 майда Тошкент яқинидаги Назарбек кўлларида дастлабки марта каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича Ўрта Осиё минтақавий мусобақалари бошланди.Уларда тошкентлик С.Дьяченко ва Т.Дьяченко жуфтлик каноэда биринчи ғалабаларини нишонладилар.

Ўн олтинчи Олимпиада ўйинлари йили – 1956 йил 11 августда Тошкентда "Пахтакор" марказий стадиони ҳам фойдаланишга топширилди.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ**

*Тиббиёт*

## ДОРИ-ДАРМОНЛАР ТАВСИФИ

**ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН ЯНА БИР ҚЎЛЛАНМА БОСМА ЮЗИНИ КЎРДИ. «ФАРМАЦЕВТИК МАЪЛУМОТНОМА» ДЕБ НОМЛАНГАН БУ НАШРДА ДОРИВОР ПРЕПАРАТЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРДАН ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШДА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА АТРОФЛИЧА МАЪЛУМОТЛАР БЕРИЛГАН.**

Китобча орқали шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар хусусиятлари билан ҳам яқиндан танишиш мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, мазкур маълумотнома соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётганларга бепул тарқатилди.

## ЖАМҒАРМА ЛОЙИҲАЛАРИ

**«МЕҲР НУРИ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ УЧУН БУ ЙИЛ ҚАЙНОҚ ФАОЛИЯТ ДАВРИ БЎЛМОҚДА. «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДБИРЛАР ҲАМ ЎЗ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.**

Жамғарма томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалардан бири асосида пойтахтимиздаги 39-оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди. Бу янги саломатлик масканининг энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганини ҳам мамнуният билан айтиб ўтиш жоиздир.

Бундан ташқари республика қон қуйиш ва гематология илмий текшириш институти ҳузурида янги марказ очилди. Шайхонтоҳур туманидаги ташхис маркази ҳам янги тиббий техникаларга эга бўлди.

## ОЛИМА ҲАҚИДА ФИЛЬМ

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУНДА ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ЕТАКЧИ ЎРИН ТУТМОҚДА.**

Мана бир неча йилдирки, бу марказга йирик шифокор олима, академик Малика Абдуллахўжаева моҳирлик билан раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони деган олий мукофот соҳиби бўлган профессорнинг бу каби самарали меҳнат фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратилди. «Ўзбектелефильм» студиясида суратга олинган мазкур экран асаридан атоқли олиманинг чет эллик таниқли шифокорлар билан илмий ҳамкорлиги акс этган лавҳалар ҳам ўрин олди.

*Таълим*

## ВАЗИРЛИК СТИПЕНДИЯСИ

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ НУФУЗЛИ СТИПЕНДИЯСИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ. «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БУНДАЙ СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.**

Ишлаб чиқилган дастурга кўра, бир йилда 66 нафар толиби илм асосий стипендиясига қўшимча равишда вазирлик стипендиясини қўлга киритади. Ёшларни ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бу саъй-ҳаракат муайян танлов асосида амалга оширилади. Маблағлар эса «Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси» ҳисобидан тўланади.

## ПЕДАГОГ МАҲОРАТИГА ЮҚОРИ БАҲО

**ТОШКЕНТДАГИ 60-УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБИ НЕМИС ТИЛИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БЎЛИБ, ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ШУ ТИЛДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.**

Моҳир педагог Ноила Тукшаитова бу ерда кўпдан бери фаолият кўрсатиб, ўқувчи ёшларда немис тилига меҳр уйғотиб келмоқда. Ўтган вақт давомида Н.Тукшаитова Германия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазирлиги стипендиялари доирасида бу мамлакатда бир неча бор хизмат сафарида бўлди.

Изланувчан педагог яқинда «Германия Федератив Республикаси олдидаги хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Бу эса фидойи ўқитувчининг бой педагогик маҳоратига берилган юқори баҳо бўлди.

## МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШГА КЕНГ ЙЎЛ

**«ТАЪЛИМ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ» ДОИРАСИДА «ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЪЛИМИНИ ЯХШИЛАШ ВА КЕНГАЙТИРИШ» ЛОЙИҲАСИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Осиё Тараққиёт банки молиявий кўмаги билан юзага келган бу лойиҳа асосида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида масофавий ўқитиш йўналиши жорий этиладиган бўлди.

Шу мақсадда жойлардаги масофавий ўқитиш марказлари компьютерлар, ўқув техника воситалари билан жиҳозланди.

**Акбар АЛИЕВ**

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

**ВАФОНИНГ СИФАТИ БАЁНИДА**

Дило, бўл вафо узра собитқадам –
Ки, бесикка ҳеч ерда юрмас дирам.
Вафо йўлидин бурмасанг гар инон,
Адув кўнглида дўст бўлғунг чунон.
Ўгирма вафо кўйидин рўйи дил –
Ки, ёр олида бўлмағайсен хижил.
Вафо йўлидин ташқари қўйма по –
Ки, аҳбобдин арзимайдур жафо.

**САБРНИНГ ФАСЛИНИ БАЁНИДА**

Очар сабр мақсуди жон эшигин –
Ки, очилмас ул сабрдин ўзгадин.

**РОСТЛИҚНИНГ СИФАТИ БАЁНИДА**

Дило, ростлиқ айласанг ихтиёр,
Бўлур давлатинг ҳамдаму бахт ёр.
Бошин чулғамас ростдин ҳушманд –
Ки, ном ўлғуси ростликдин баланд.

* * *

Дўстларни ранжитмак жаҳолатдур.

* * *

Сахий ваъда айлаганингда вафо этар.

* * *

Кимки топар яхши от – давлати
боқий топар.

* * *

Нима сўзларман деб тафаккур айламак аҳсандур. Бу номаъқул сўзни нечун сўзладим деб надомат этмакдин.

* * *

Сўз айтмоқға фикр этмасанг урма дам,
Кейинроқ десанг яхши, айтсанг на ғам.
Тафаккур қил, андин чиқорғил нафас,
Сўзинг, "бас" дейишдин қил аввалда бас.

* * *

Мумкин эмасдурки, ҳунарликлар ўлсалар
ва ҳунарсизлар аларнинг
мақомини олсалар.

* * *

Умрим ўлди тамом жаҳл ила,
Ман ҳазар қилмадим, сиз қилингиз.

* * *

Киши ямонлик экиб, яхшилик умид этса –
Ки, фикри хом ила ботил
хаёлни қиладур.

* * *

Баҳодир тўйса, қаттиғ ҳамла қилғай,
Тутар оч қолса қочмоқнинг йўлини.

* * *

Кўп одам оч ётар ғурбатта
ҳеч ким билмади кимдур,
Кўп одам ўлмага етти,
киши демас ғарибимдур.

* * *

Истасанг душман ила сулҳки,
ҳар вақт сани
Орқада айб қилур, олдида сан таҳсин қил.
Сўз оғиздин кечар, охир
бу жафокор сўзин,
Оччиғин истамасанг, оғзини
сан ширин қил.

* * *

Воқеъ ўлмиш жаҳонда кўп, эй ёр,
Жаҳл аҳли азизу оқил хор.

* * *

Олдида дўстдур ёввош қўйдек,
Орқада бўри янглиғ одамхўр.

* * *

На билсун улуским, тўн ичра на бор,
Билур нома сирини кимки ёзар.

* * *

Ўзидин бошқани кибр аҳли кўрмас,
Тутар олдида ўзлук пардасини.
Анга бахш этсалар ҳақни кўрар кўз,
Ўзидин хорроқ кўрмас кишини.

* * *

Эйки, фазлимни санарсан бас,
санга озордин,
Бу ташимдур, йўқ шууринг
дилдаги асрордин.

* * *

Муҳтасиб гар ичса май маъзур
тутарди маст ишин.

* * *

Қорин ел зиндонидур, эй хирадманд,
Ани банд этмағай асло ҳунарманд.
Агар қорнингда ел тўлғанса қўйғил,
Нечун, қоринда ел юкдурки, мушкил.

**Мулло МУРОДХЎЖА таржималари**
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

*Спорт янгиликлари*







## АНЪАНАВИЙ ФЕСТИВАЛЬ МАРОҚЛИ ЎТДИ

**ШАҲРИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУИДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ИНДОНЕЗИЯ СПОРТЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА III ШАРҚ ЯККАКУРАШЛАРИ ВА ЖАНГ САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Республика Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази томонидан ташкил этилиб, анъанавий тус олган, янги қирралар билан бойиган халқаро фестиваль доирасида таэквандо, у-шу, каратэ, реал айкидо, кикбоксинг усталарининг кўргазмали чиқишлари бўлиб ўтди. Мухлисларга, айниқса индонезиялик жанг санъати усталарининг чиқишлари бир олам завқ бағишлади. Кикбоксинг бўйича мамлакат чемпионлик камари учун энг моҳир спортчилар ўртасида финал жангги ўтказилди. Қўл жангги бўйича ҳам қизиқарли халқаро баҳс уюштирилди.

Соғлом турмуш тарзи байрамига айланиб кетган Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати фестивали театрлаштирилган шоуси якунида «Йилнинг энг яхши федерацияси», «Йилнинг энг яхши мураббийи», «Йилнинг энг яхши аёл спортчиси», «Йилнинг энг яхши эркак спортчиси» номинациялари бўйича марказ томонидан йилнинг энг яхши федерацияси, мураббийси ва спортчиларига махсус мукофотлар топширилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Шарқ яккакурашлари маликаси — 2007» танлови «Йилнинг энг муҳим воқеаси» номинациясининг ғолиби деб топилди.

Келгусида Республика Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази шу йўналишдаги спорт турларини тарғиб этиш ва янада ривожлантириш мақсадида қизиқарли тадбирлар, семинарлар ҳамда ўқув-машқ йиғинларини ўтказиш фаолиятини давом эттириб боради.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: III Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати фестивалидан лавҳалар.**

**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган суратлар**

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ФИНАЛДА

**ТУРКИЯНИНГ АНТАЛИЯ ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА НОГИРОНЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ИШТИРОК ЭТИБ, 9 ОЧКО БИЛАН ЧОРАК ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ МУХЛИСЛАРИ КЎНГЛИНИ ШОД ЭТДИ.**

Чорак финалда Либерия терма жамоасидан 7:1 ҳисобида устун келган ҳамюртларимизга ярим финалда майдон эгалари —туркияликлар рўбарў келишди. Қизиқарли, шиддатли курашлар остида ўтган беллашув 2:1 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ғалабаси билан якунланди.

Эндиликда жаҳон чемпионлиги учун курашиш ҳуқуқиға эга бўлган Ўзбекистон терма жамоаси ҳал қилувчи баҳсда россиялик футболчиларга қарши майдонга тушади.

## АРТУР ШОҲСУПА ТЎРИДА

**ВЛАДИКАВКАЗ ШАҲРИДА ЭРКИН КУРАШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИР ҲАМЮРТИМИЗ АРТУР ТАЙМАЗОВГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.**

Мусобақада Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистондан турнирга ташриф буюрган 300 нафар полвон ғолиблик учун муросасиз кураш олиб борди. Қувонарлиси, оғир вазнлилар баҳсида барча рақиблари курагини ерга теккиза олган Артур Таймазов турнир ғолиблигини қўлга киритди.

## ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — СПАРТАКИАДА ҒОЛИБИ

**НАВОИЙ ШАҲРИДА ФАХРИЙ СПОРТЧИЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛГАН СПАРТАКИАДА МУСОБАҚАЛАРИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ.**

Фахрийлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган спартакиада баҳсларида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган спортчилар ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Спортнинг енгил атлетика, волейбол ва стол тенниси турлари бўйича ташкил этилган мусобақа якунида биринчи ўринни ҳамшаҳарларимиз қўлга киритишган бўлса, навоийлик ва бухоролик фахрий спортчилар жамоаларига иккинчи, учинчи ўринлар насиб этди. Ғолиб ва совриндорларга Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг совринлари, эсдалик совғалари топширилди.

## АЗИЗБЕК — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

**РОССИЯНИНГ БАРНАУЛ ШАҲРИДА УЧ КАРРА ОЛИМПИАДА, ТЎҚҚИЗ БОР ЖАҲОН ВА ЎН ИККИ МАРТА ЕВРОПА ЧЕМПИОНЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН АЛЕКСАНДР КАРЕЛИН СОВРИНИ УЧУН ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИ УЧУН МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.**

Кўпгина мамлакатлардан келган умидли полвонлар орасида ҳамюртимиз Азизбек Мамажонов ўзининг иқтидорли спортчи эканлигини исботлади. Ўз вазн тоифасида барча рақибларидан устун келган Азизбек жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

## МУХЛИСЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

**ШАҲРИМИЗДАГИ «ЛОКОМОТИВ» СТАДИОНИГА ЙИҒИЛГАН МУХЛИСЛАР 19 ЁШГАЧА БЎЛГАН ФУТБОЛЧИЛАР ЎРТАСИДА УЮШТИРИЛАЁТГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ ЎЗБЕКИСТОН — НЕПАЛ ЁШЛАР ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ГУРУҲ БАҲСИНИНГ ГУВОҲИ БЎЛИШДИ.**

Аввалига яманлик, сўнгра иорданиялик тенгқурларини мағлубиятга учратиб, муддатидан олдин Осиё чемпионати финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари непалликлар билан кечган учрашувда ҳам мухлислари кўнглини шод этишди. Ҳужумкор, тезкор, комбинацион ўйин намойиш этган Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари 22-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Жамоадошлари бошлаб берган ҳужумни самарали якунлаган Кенжа Тўраев ҳамюртларимизнинг 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишларини таъминлади.

Шундай қилиб гуруҳ баҳсларида 9 очко жамғарган ҳамюртларимиз ишончни оқлашди. Энди улардан келгуси йили ўтказиладиган Осиё чемпионатида ҳам ажойиб ғалабаларни кутиб қолишга ҳақлимиз.

## УФАДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

**РОССИЯНИНГ УФА ШАҲРИДА БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА УЮШТИРИЛГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИГА ОМАД КЕЛТИРДИ.**

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли турнирда ҳамюртларимиз Шуҳрат Бозоров ва Ўғилой Латиповалар мусобақага жиддий тайёргарлик кўрганликларини исботлашди. Кескин ва муросасиз баҳсларда ўз вазн тоифаларида ҳар икки спортчимиз рақибларини енгиб финалгача етиб боришди ва жаҳон чемпионатининг кумуш медаллари билан тақдирланишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## «02»: хабарлар

● Учтепа тумани ИИБнинг Тезкор навбатчилик бўлимига тунги соат 1.00 да жабрланувчи, Чилонзор туманида яшовчи 27 ёшли В.Салаевдан хабар тушди. У шу куни тунгги соат 24.00 да Учтепа тумани ҳудудида йўл бўйида такси тўхтатиш мақсадида турган пайтида, ёнига иккита номаълум ёш йигитлар келиб, тўсатдан ҳужум қилишиб, ерга йиқитиб, ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб, «LG» русумли 150.000 сўмлик уяли телефон аппаратини тортиб олиб қочиб кетишганини маълум қилди. Талончиларнинг кўриниш белгилари ҳақида маълумотга эга бўлган жиноят қидирув тезкор ходимларининг зудлик билан режа тузиб, шу асосда олиб борган қидирув ишлари натижаси ўз самарасини берди. Ушбу жиноятни содир қилган иккита гумонланувчи шахслар, яъни Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрида яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган 19 ёшли Ш.Абдукаримов ҳамда унинг жиноий шериги — 16 ёшли А.Ҳисобовлар қўлга олинди. Жиноятчилардан далилий ашё сифатида телефон аппарати тортиб олинди. Бугунги кунда ушбу ҳодиса бўйича жиноят иши қўзғатилган, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Чилонзор туманида яшовчи 19 ёшли Г.Султонованинг уйида вақтинча яшаб турган дугонаси, ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган 16 ёшли Анора кундузи уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб телевизор, «Самсунг» ДВД аппарати ва дискларини, аёллар костюм-шими ва 300.000 сўм пулларини ўғирлаб кетиб, жами жабрланувчига 600.000 сўмлик моддий зарар етказган. Жабрланувчи Султонованинг берган хабаридан сўнг кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида тезкор ходимлар томонидан Анора далилий ашёлар билан қўлга олиниб жиноят иши қўзғатилди.

● Юнусобод тумани ҳудудида соат 20.30 да Хоразм вилояти Урганч шаҳрида яшовчи 16 ёшли Сарвар опасининг уйида меҳмонда бўла туриб, опасининг қўшниси 23 ёшли З.Бозоровнинг уйи олдида қаровсиз қолдирилган «ВАЗ-2106» русумли автоулови эшигининг қулфини бузиб кириб, салонидан 2.000 АҚШ доллари ва 80.000 сўм пулларини ўғирлаб келаётган вақтида, шу ҳудудда хизматни олиб бораётган жиноят-қидирув тезкор ходимларининг назарига тушиб қолиб, улар томонидан дарҳол далилий ашё билан қўлга олинди. Айни кунларда ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб тергов олиб борилмоқда.

● Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида соат 20.30 да шу туманда яшовчи олий ўқув юрти талабаси 22 ёшли Отабек, ўзи ўқийдиган олий ўқув юртида ишловчи 23 ёшли С.Акромовани ишдан қайтаётганида кетидан пойлаб бориб, йўлда бўйнидаги 800.000 сўмлик тилла занжирини юлиб олиб қочиб кетган. Ушбу ҳодиса ҳақида жабрланувчи туман ИИБга хабар берган, дарҳол қидирув ишлари олиб борилди. Ва натижада ушбу талончиликни содир қилган Отабек далилий ашё билан қўлга олинди. Жиноий иш қўзғатилди.

**Юлдуз АШИРОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор**


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 7 декабрь куни соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2005 йил 8 августдаги, 2007 йил 25 майдаги, 2007 йил 17 сентябрдаги, 2007 йил 26 сентябрдаги ижро ҳужжатларига асосан (ажрим 10-0510/3659) тақдим этилган «Ўрта Осиё Транс Шарқ» ШКга тегишли ва Тошкент вилояти Қибрай тумани, Проектная кўчаси Г-15 манзилда сақланаётган**

**ҚУЙИДАГИ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚАЙТАДАН ҚЎЙМОҚДА:**

Давлат рақами 10АО953 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз). **Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.**

Давлат рақами 10АХ031 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (нозоз). **Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.**

Давлат рақами 10АХ029 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз). **Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.**

Давлат рақами 10АН152 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз). **Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.**

Давлат рақами 10АХ030 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (нозоз). **Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.**

Давлат рақами 10АО892 бўлган 1993 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес бенц-1838LS» русумли юк автотранспорти (носоз). **Бошланғич баҳоси-8 198 000 сўм.**

*Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-00*


### Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

*Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.*

*Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз.*

*Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.*




МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1006

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 12:55